

## Қийин нарсани деб, осон нарсани тарк этиб бўлмайди | Ҳадис дарслари (295-дарс)



19:00 / 14.08.2024 2931

لَا أَقُوهُ نَعُهُ لَلَا يَضُرُّ رَبَّاجُ نَع  
يَلَصُّ هَلْ لَأُلُوسَرَّ يَنْتَعَب  
عَجَّاح يَفَمَّ لَسَوِ هَيْلَعُ هَلْ لَأ  
يَلَعُ يَلَصُّ يَوَهُ وَتُئَجَف

# قُرْشَمٌ لِّا وَحَنِّهِ تَلْحَارُ عُوكُرٌ لِّا نَمُضَفْخٌ دُوجُ سَلَاو نَنَسَلَا بَاخُصَا هَاوَر

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени бир иш билан юбордилар. Қайтиб келсам, уловлари устида машриққа қараб, намоз ўқиётган эканлар. Сажда(лари) рукуъдан пастроқ эди».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг **«Машриққа қараб намоз ўқиётган эканлар»** деганидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозни қиблага қарамай ўқиганлари келиб чиқади.

Албатта, от, туя каби ҳайвонларни миниб туриб, намоз ўқиган одам рукуъ ва саждаларни одатдагидек қила олмайди. Балки, имкони борича имо билан қилади. Шунда сажда рукуъдан кўра пастроқ бўлиши вожибдир.

Бугунги куннинг турли маркабларига минган кишилар нафл намоз ўқимоқчи бўлсалар, имконларига қараб ўқийдилар. Аммо фарз намозни иложи борича тўлиқ қилиб, ҳамма рукнларини ўрнига қўйиб ўқишга уриниш керак. Тўлиқ қилиб ўқишнинг иложи бўлмаса, имкони борича ўқиш лозим. Қиёмни ёки саждани тўлиқ қилишнинг имкони бўлмаяпти, деб, намозни бутунлай ўқимаслик ҳеч мумкин эмас.

Шаръий қоида бўйича қийин нарсани деб, осон нарсани тарк этиб бўлмайди.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.**